

# МАЪНАВИЯТ – МИЛЛАТ БОЙЛИГИ



Қизғин савол-жавобларга бой тарзда ўтган семинар якунида жорий йилнинг 9-14 сентябрь куни вилоятимизда ўтказилган “Маънавият фестивалини” Шеробод туманида ҳам юқори савияда ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшган бир гуруҳ тарғиботчилар Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг махсус сертификатлари топширилди.

Шунингдек, семинардан сўнг тарғиботчилар 56-ИДУМнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси учун ажратилган хонада яратилган бежирим кўргазмалар ва соҳага оид ҳужжатлар билан яқиндан танишишди.